

ЎЗБЕКИСТОН ССР СУД ТИЗИМИДА КАДРЛАР МУАММОСИ**(1925-1945 йиллар мисолида)****Комолов Дилшод Пулатович**

Қашқадарё вилоят педагогларни, янги методикага ўргатиш миллий маркази
ўқув ва методик ишлар бўйича директор ўринбосари тарих фанлари номзоди, доцент
E-mail: dilshod.komolov.79@bk.ru, +998977203066

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада 1925-1945 йилларда Ўзбекистон ССР суд тизимидаги кадрлар муаммоси ёритиб берилган. Мақолада шунингдек, судьяларнинг миллий таркиби, олий маълумот олганлик даражаси ва мустабид совет режими томонидан соҳа вакилларининг қатағон қилиниши илмий жиҳатдан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Олий суд, вилоят суди, халқ суди, судья, ҳуқуқшунос, ўқув курси, сафарбарлик.

ANNOTATION: This article describes the personnel problem in the judicial system of the Uzbek SSR in 1925-1945. The article also scientifically analyzes the national composition of judges, the level of higher education and the repression of representatives of the field by the authoritarian Soviet regime.

Keywords: Supreme court, regional court, people's court, judge, lawyer, training course, mobilization.

Мустабид совет ҳокимияти “бўлиб ташла, ҳукмронлик қил” шиорига амал қилган ҳолда 1924 йил Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланишни ўтказди ва бунинг натижасида Ўзбекистон ССР ташкил топди. Файзулла Хўжаев раҳбарлигидаги Ўзбекистон ССР Инқилобий кўмитаси зиммасига собиқ Туркистон АССР, Бухоро ССР ва Хоразм ССРдан Ўзбекистон таркибига ўтган ҳудудларда бир-биридан фарқ қилувчи суд маҳкамаларини тугатиш ҳамда бутун республикада ягона суд тизимини ташкил этишдек ғоят масъулиятли вазифа турар эди. 1924 йил 26 ноябрда Ўзбекистон ССР Инқилобий кўмитасининг йиғилишида Файзулла Хўжаев Адлия халқ комиссари Ғозиевга суд ҳақидаги меъёрий ҳужжатларни мувофиқлаштириш бўйича топширик берган эди[1].

1925 йил 13 февралда Бухорода Ўзбекистон ССР Советларининг I қурултойи очилди ва 17 февралда “Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил топиши тўғрисидаги декларация” қабул қилинди. Ўзбекистонда дастлабки даврда халқ суди, вилоят суди, Олий суднинг Тожикистон АССР бўлими ва Ўзбекистон ССР Олий

судидан иборат суд тизими ташкил этилди. Совет судларида энг катта муаммолардан бири кадрлар масаласи эди.

Адлия халқ комиссарлигининг расмий нашри маълумотларига кўра 1925 йил ўрталарига келиб Ўзбекистонда 74 та халқ судлари мавжуд бўлиб, вилоятлар бўйича қуйидагича тақсимланган эди: Фарғонада 21 та, Тошкентда 23 та, Самарқандда 20 та, Зарафшонда 3 та, Қашқадарёда 3 та, Хоразмда 3 та ва Сурхондарёда 1 та[2,-С.61]. Ҳисоботда кўрсатилишича Ўзбекистон ССРдаги бир нафар халқ судьяси ўртача 54 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатиши лозим эди. 1926 йилга келиб халқ судлари сони бир оз ошди. Жумладан, 1926 йил 1 август ҳолатида Фарғонада 34 та, Самарқандда 22 та, Тошкентда 21 та, Зарафшонда 11 та, Қашқадарёда 7 та, Хоразмда – 7 та, Сурхондарёда 6 та ва бутун республика бўйича жами 108 та халқ судлари фаолият юритган [3].

1925 йилда Ўзбекистон ССР таркибидаги вилоят суди судьяларининг жами сони 41 нафар бўлиб, Тошкент вилоят судида 9, Самарқандда 8, Фарғонада 6, Зарафшонда 5, Қашқадарёда 5, Сурхондарёда 5, Хоразмда 3 нафар судья фаолият юритган. Вилоят суди судьяларининг 29 нафари ўзбек ва 12 нафари европаликларга мансуб эди[2,-С.61].

Ўзбекистон ССР Олий судининг биринчи таркибига жами 7 киши: раис - А.Ш.Шарафутдинов, судлов хайъати раиси вазифасини бажарувчи биринчи ўринбосар - И.М.Чудаев, кассация хайъати раиси вазифасини бажарувчи иккинчи ўринбосар Б.А.Шаропов, аъзолари этиб Саид Аҳматов, Упельник, Ряховский, Ҳожи Орал тайинланган[4]. 1925 йилнинг декабр ойига келиб Олий суднинг янги таркиби: раис – С.Қосимов, унинг ўринбосари – Чудаев, Олий суд аъзолари Саримсоқов, Трофимов, Пиневич, Хушмонов, Алиев Ўзбекистон ССР МИҚ томонидан сайланади.

Ўзбекистоннинг Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм округларида аҳвол айниқса ачинарли эди. Ҳатто мутахассислар етишмаслигидан совет халқ судьяси лавозимида ҳам қозилар тайинланган. Масалан, Адлия халқ комиссарлиги вакили Қурбонов Қашқадарё округидаги халқ судлари фаолияти юзасидан қуйидаги маълумотларни баён этган эди: “Қашқадарё округида 9 та халқ суди участкаси фаолият юритади. Округдаги қози судларининг сони эса 14 та. Совет халқ судлари учун мутахассислар етишмайди. Халқ судлари сонининг кўпайиши тугатилган қози судлари ҳисобига амалга ошмоқда. Собик қозилар халқ судьяларига айлантирилмоқда”[5]. Яъни, халқ судларининг кўпайиши кузатилмади, шунчаки қози судларининг номлари ўзгартирилди, фаолиятида эса жиддий ўзгаришлар бўлмади.

XX аср 20-йилларининг охирида Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида тозалашлар амалга оширилади. Жумладан, Ўзбекистон ССР Олий Судининг раиси лавозимида ишлаган С.Қосимов ва унинг яқин маслакдошлари 1929 йилнинг иккинчи ярмида қамоққа олинди. 1930-йилнинг 25-мартдан 21-июнига қадар Самарқанд шаҳрида СССР Олий судининг кўчма сессиясида 73-с рақамли иш кўриб чиқилди. Бу совет тарихида «Қосимовчилик» иши деб юритилади. Судда Ўзбекистон ССР Олий судининг собик

раиси Саъдулла Қосимов бошчилигида 30 га яқин суд ва адлия ходимлари иши кўрилиб, жиноий жавобгарликка тортилдилар, уларнинг кўплари отиб ташланди. С.Қосимов ва унинг тарафдорларига ўз мансаб лавозимларини суиистемол қилиш ва “босмачи жиноятчи”ларни озод қилиш каби айблар қўйилди.

Мустабид совет ҳокимияти томонидан суд тизимида “тозалаш”нинг амалга оширилиши ҳамда ижроия кўмиталар томонидан судьяларнинг тез-тез алмаштирилиши оқибатида суд тизими фалаж ҳолатга келиб қолган эди. 1930 йилнинг 25 мартда Адлия халқ комиссарининг йўриқномасида қуйидаги маълумотлар баён этилган эди: “Янги тайинланган кадрлар ишга тезда кўникиб ва мослашиб кета олмаяптилар. Энг ўткир масала - кадрлар етишмовчилиги. Янги тайинланган судья ва терговчилар орасида нафақат идроки сушт, тайёргарлиги паст, балки саводсиз шахслар ҳам бор” [6]. Буни қуйидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди. 1930 йилга келиб Ўзбекистондаги барча судьяларнинг 5% олий маълумотли, 17% ўрта маълумотли, 14 % тўлиқ бўлмаган ўрта ва 64% бошланғич маълумотга эга эди[7].

1936 йил 27 июлда Ўзбекистон ССР Адлия халқ комиссари Саидали Хўжаев СССР Адлия халқ комиссари Н.В.Крыленкога халқ судларини тафтиш этиш натижалари юзасидан ҳисобот тақдим этган эди. Унга кўра Ўзбекистон ССРдаги халқ судьяларининг 35 фоизи етарли билим ва малакага эга эмаслиги ҳамда мунтазам равишда қонунбузилишларга йўл қўйиб келаётгани боис лавозимидан озод этилганини маълум қилган эди. Хусусан, тафтиш натижасига кўра халқ судьяларининг 66 нафари қайта тайёрлаш учун ўқишга юборилган, 61 нафари лавозимидан озод этилган, 14 нафари эса қуйи лавозимга ўтказилган эди[8].

1937 йилда Ўзбекистон ССРда 209 та халқ суди участкалари рўйхатга олинган бўлсада, улардан 201 таси иш юритган, қолган 8 таси эса мутахассислар йўқлигидан фаолият юритмас эди. Ўзбекистондаги мавжуд 201 нафар халқ суди судьяларининг ҳуқуқий соҳа бўйича билим даражаси қуйидагича эди: 10 нафари олий, 15 нафари бошланғич, 74 нафари уч ойлик ҳуқуқшунослар тайёрлайдиган курсни тугатган бўлиб, 102 нафари эса ҳуқуқ соҳаси бўйича бирор-бир маълумотга эга эмас эди[9]. Юқоридаги рақамлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, Ўзбекистондаги халқ суди судьяларининг қарийб ярмидан кўпроқ қисми ҳуқуқ соҳаси бўйича махсус билимга эга эмас эди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги мутахассисларга бўлган тақчиллик нафақат Ўзбекистонда, балки собиқ Совет Иттифоқининг барча республикаларига хос ҳолат эди. Масалан, совет адлиясининг марказий нашрларидан бирида қуйидаги маълумотлар чоп этилган эди: “Айни пайтда судьяларнинг ҳозирги таркибининг ҳуқуқий тайёргарлиги ўта паст даражада. 1937 йил 1 январ ҳолатига кўра РСФСРдаги 4616 нафар судьянинг 2202 нафари олий маълумот тугул, ҳаттоки ҳуқуқшунос курслар ҳажмидаги маълумотга ҳам эга эмас. Бошқа иттифоқдош республикаларда ҳам аҳвол худди шундай. Белорусда 311 судьядан 206 нафари, Грузияда 239 судьядан 170 нафари, Ўзбекистонда 490 судьядан

305 нафари, Украинада 1264 судьядан 735 нафари ҳуқуқшунос маълумотиға эға эмас” [10. –С.10-11]. Ўзбекистондаги 490 нафар судья ҳақида маълумот берилганда бутун суд тизими, хусусан ҳарбий трибунал, линия судлари судьялари ҳам назарда тутилган.

Вилоят судларида ҳам аҳвол айтарли даражада қоникарли эмас эди. 1938 йилда Тошкент вилоят судида штат бўйича 21 нафар ходим ишлаши лозим бўлгани ҳолда мутахассислар йўқлигидан 14 нафар шахс меҳнат қилган. Бошқа вилоятларда ҳам шунга ўхшаш ҳолат ҳукм сураар эди. Жумладан, Бухоро вилоятида 13, Самарқанд вилоятида 12, Фарғонада 12, Хоразмда 7 нафар судья меҳнат қилган. Бутун республикадаги вилоят суди судьяларининг 11 нафари олий, 18 нафари ўрта, 34 нафари бошланғич маълумотға эға эди[11].

1938 йилда Ўзбекистон ССР Олий судида эса штат бўйича 25 нафар ходим меҳнат қилган. Уларнинг 7 нафари олий, 9 нафари ўрта ва 9 нафари бошланғич маълумотға эға эди[12].

Архив ҳужжатларида қайд этилишича 1937-1939 йилларда ЎзССР суд тизимида 541 нафар судья лавозимидан озод этилган. Биргина 1939 йилда халқ судьяларидан 57 нафари, вилоят суди судьяларидан 15 нафари, ЎзССР Олий суди судьяларидан 14 нафари турли сабабларға кўра эгаллаб турган лавозимларидан озод этилган эди[13]. Жумладан, лавозимидан озод этилган халқ судьяларининг 17 нафари хизмат вазифасини суиистеъмом қилгани, 13 нафари ўз вазифасини юрита олмагани, 13 нафари ушбу соҳада ишлашдан бош тортгани, 5 нафари бошқа ишға ўтгани, 4 нафари яқин қариндошлари судлангани, 2 нафари хизмат вазифасида сусткашликка йўл қўйгани, 2 нафари турмушида ўзгаришлар бўлгани, 1 нафари меҳнат қонунчилини бузгани ва 1 нафари қуролли кучларға хизматға чақирилгани учун лавозимидан озод этилган эди.

1937-1939 йиллар оралиғида республика бўйича кадрлар қўнимсизлиги энг юқори бўлган халқ суди участкалари қуйидагилар эди: Тошкент шаҳар 17-участка халқ судьяси 7 марта, Бухоро вилояти Кармана тумани 96-участка халқ судьяси 6 марта, Тошкент шаҳар 12-участка халқ судьяси 5 марта, Хоразм вилояти Хива тумани 4-участка халқ судьяси 5 марта, Фарғона вилояти Андижон шаҳар 63-участка халқ судьяси 4 марта, Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар 75-участка халқ судьяси 3 марта алмашган. Архив ҳужжатларида қайд этилишича ЎзССРда 1937-1939 йиллар давомида ваколат муддатини тўлиқ ўтаган халқ судьяларининг сони бор-йўғи 6 нафар ёки жами халқ судьяларининг 2.6% ташкил этган[14].

1939 йилда вилоят ва округ судлари таркибида 68 нафар судья иш юритган. Судьяларнинг 17 нафари олий юридик маълумотға эға бўлиб, 28 нафари ҳуқуқшунослар тайёрлайдиган курсни тугатган эди. Қолган 23 нафар судья ҳуқуқ соҳаси бўйича махсус билимға эға эмас эди. Вилоят ва округ судьяларининг миллий таркиби ҳақида шуни айтиш мумкинки, уларнинг 44 нафари туб жой миллат вакиллари, 12 нафари руслар, 12

нафари турли миллат вакиллари эди. Вилоят судьяларининг 51 нафарини эркак ва 17 нафари хотин-қизлар ташкил этган[15].

1940 йилга келиб, Ўзбекистон ССРда вилоят ва округ судлари таркиби 65 штат бирлигидан иборат этиб белгиланди. Амалда эса 58 нафар судья меҳнат қилган, қолган 7 та ўрин мутахассислар йўқлигидан вакант деб эълон қилинган эди. Вилоятлар кесимида аҳвол қуйидагича эди: Тошкент вилоят судида 15, Фарғонада 13, Бухорода 11, Самарқандда 9, Хоразмда 6 ва Сурхондарё округ судида 4 нафар судья иш юритган[16].

1939 йил 3 августда Қорақалпоғистон АССР Олий Совети автоном республика Олий судини сайлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу қарорга мувофиқ раис, унинг ўринбосарлари, 9 нафар аъзо ва халқ маслаҳатчиларидан иборат Қорақалпоғистон АССР Олий суди таркиби сайланди.

1939 йилда Ўзбекистон ССР Олий судининг таркиби 25 штат бирлигидан иборат этиб белгиланган эди. Мутахассислар йўқлигидан 3 та штат бирлиги вакант деб эълон қилинган эди.

ЎзССР Олий суди аъзоларининг 12 нафари олий, 3 нафари ўрта ва 7 нафари бошланғич маълумотга эга эди. Олий суд судьяларининг 12 нафари олий юридик маълумотга эга бўлиб, 2 нафари ҳуқуқшунослар тайёрлайдиган курсларни тугатган эди. Қолган 8 нафари ҳуқуқ соҳаси бўйича махсус билимга эга эмас эди.

Уруш йилларида суд тизимида хизмат қилаётган судьяларнинг бир қисми фронтга сафарбар этилди. 1942 йил ҳолатига кўра ушбу кўрсаткич баъзи вилоятларда 20-30%ни ташкил этган. Масалан, Фарғонада 24 халқ судьясидан 8 нафари, Бухоро вилоятида 36 халқ судьясидан 6 нафари урушга сафарбар этилган эди. Худди шундай ҳолат вилоят судларида ҳам кузатилади. Жумладан, Бухоро вилоят суди судьяларидан 5 нафар, Фарғонадан 2 нафар, Андижондан 2 нафар, Тошкент вилоятидан 2 нафар судья фронтга сафарбар этилган эди[17].

ЎзССР Адлия халқ комиссарлиги олдида фронтга сафарбар этилган судьялар ўрнини кадрлар билан тўлдиришдек мураккаб вазифа турар эди. Судьялик вазифасига захирадан ва халқ маслаҳатчилари орасидан номзодлар танлаб олинади. Лекин бу чора ҳар доим ҳам самарали натижа беравермайди.

Уруш муносабати билан 1941 йилда вақтинча фаолиятини тўхтатган Тошкент Юридик институти 1942 йилга келиб ўз фаолиятини яна давом эттирди. 1943 йил августда Ўзбекистон ССР Адлия халқ комиссарлиги Тошкентда 4 ойлик, Самарқандда эса 6 ойлик ҳуқуқшунослар тайёрлайдиган ўқув курсларини очди. Ўзбекистон ССР Олий судида вилоят судьялари бир ойга, вилоят судларида эса халқ судьялари учун 10-15 кунга амалиёт ўташ тартиби ўрнатилди. 1944 йил 1 январгача 40 нафар халқ судьяси вилоят судларида амалиёт ўтади.

Шунга қарамай 1945 йил охирига келиб Ўзбекистон ССР суд тизимида олий маълумотли судьялар сони камчиликни ташкил этар эди. Яъни, Олий судда 11, вилоят

судларида 27, халқ судьялари таркибида 56 нафар олий маълумотли ҳуқуқшунослар фаолият юритган[18].

Хулоса қилиб айтганда, 1925-1945 йилларда Ўзбекистон ССР суд тизимида кадрлар тақчиллиги масаласи ўз ечимини топмади. Мустабид совет ҳокимиятининг тазйиқи натижасида судьялар тез-тез лавозимидан озод этилиб, кадрлар қўнимсизлиги муҳити вужудга келди, соҳа вакилларининг етарли билим, малака ва тажрибага эга бўлишига имкон бермади. Ҳатто бундай вазиятдан, ўзининг шахсий манфаатини ўйлайдиган, жиноятчилар билан ҳамкорлик қилишга уринган баъзи шахсларнинг судьялик лавозимини эгаллашига йўл очиб берди. Судьяларнинг фронтга сафарбар этилиши Ўзбекистон суд тизимидаги муаммоларни янада кучайтириб юборди. Судьялик лавозимига янгидан сайланган шахслар томонидан қабул қилинган хато ҳукм ва қарорлар сони кескин ошди. Процессуал меъёрларнинг қўпол тарзда бузилиши авж олди. Вазият жуда секинлик билан барқарорлаша бошлади. Хуллас, XX асрнинг иккинчи чорагида Ўзбекистон ССРда судьяларнинг катта қисми ҳуқуқ соҳаси бўйича етарли билим ва тажрибага эга эмас эди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

- 1.ЎзМА, Р-87- фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 9-варақ
- 2.Уразаев А. Судебные органы УзССР // Вестник юстиции Узбекистана.–Ташкент, 1925. –№ 2-3. – С.61
- 3.ЎзМА, Р-904-фонд, 9-рўйхат, 104-иш, 29 варақ
- 4.Шарафутдинов А. Верховный суд УзССР. // Вестник юстиции Узбекистана. – Ташкент, 1925. –№ 1. – С.78-80
- 5.ЎзМА, Р-904- фонд, 8-рўйхат, 10-иш, 47-варақ
- 6.ЎзМА, Р-904- фонд, 1-рўйхат, 234-иш, 21-варақ
- 7.ЎзМА, Р-904- фонд, 1-рўйхат, 155-иш, 18-варақ
- 8.ЎзМА Р-904-фонд, 9-рўйхат, 395-иш, 92-варақ
- 9.Ўша жойда, 214-варақ
- 10.Склярский. Подготовка и переподготовка судей.// Советская юстиция.-Москва, 1937. –№ 8. – С.10-11
- 11.ЎзМА Р-904-фонд, 9-рўйхат, 364-иш, 17-19-варақлар
- 12.Ўша жойда, 16-варақ
- 13.ЎзМА Р-904-фонд, 9-рўйхат, 1289-иш, 24-варақ
- 14.Ўша жойда, 25-варақ
- 15.Ўша жойда, 1289-иш, 19-варақ
- 16.ЎзМа Р-904-фонд, 9-рўйхат, 1289-иш, 102-варақ
- 17.ЎзМА Р-904-фонд, 10-рўйхат, 154-иш, 21-32 варақлар
- 18.ЎзМА Р-904-фонд, 10-рўйхат, 48-иш, 145-варақ.